



Қарор ва ижро

ВИЛОЯТИМИЗДАГИ 58 ТА МАКТАБ ВА 24 ТА ИТМДА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 декабрда "2024-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, қарор асосида жойларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Сурхондарё вилоятида ҳам мазкур қарорга асосан, жорий йилги манзилли дастур ишлаб чиқилди ва лойиҳага киритилган объектларда ишлар белгиланган режа бўйича олиб борилётди. Бу йил вилоятимизда жами 58 та умумтаълим мактаблари ҳамда 24 та мактабгача таълим объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, тегишли экспертиза кўриқларидан ўтказилиб, ижобий хулосалар олинган. Ушбу объектларнинг 81 таси бўйича пудрат ташкилотини аниқлаш



Фозил ТАНГРИЕВ,
"Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси" ДМ Сурхондарё вилояти бўлими бошлиғи



мақсадида Тендер платформасига эълон жойлаштирилиб, ҳозирда барчасининг пудрат ташкилотини аниқланган. Тоғли ҳудудда жойлашганлиги сабабли биргина Сарийосиё тумани "Ўрах пушти-варак" МФИдаги 65-сон мактаб филиалига қўшимча 60 ўринли ўқув блоқи қурилиши юзасидан алоҳида топшириқ бўйича пудратчи танлаш ишлари олиб борилмоқда.

Айни пайтда объектларнинг манзилли рўйхати Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан тасдиқланган, 1 та объект пу-

дратчиси аниқланмаган. Бугунги кунда 79 та объект учун 33,726 млрд. сўм аванс маблағлари молиялаштирилган. Прокуратурадан қурувчининг салоҳияти бўйича Сариосиё тумани "Ўрах пушти-варак" МФИдаги 65-сон мактаб филиалига қўшимча 60 ўринли ўқув блоқи қурилиши юзасидан алоҳида топшириқ бўйича пудратчи танлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бугунги кунда 82 та объектда ҳам қурилиш-монтаж ишлари бошланган бўлиб, 775 нафар ишчи ҳамда 116 та техника жалб қилинган.

НАВОЙ ВИЛОЯТИ

КИЧИК САНОАТ ЗОНАСИНИНГ КАТТА ОДИМЛАРИ

Нурота туманидаги "Истиқбол" маҳалласи ҳудудига 2021 йил 10 гектар майдонда кичик sanoat зонаси ташкил этилган. Ушбу ҳудудда "JOM MARBLE" масъулияти чекланган жамиятига 4,18 гектар ер майдони инвестиция киритиш шартини билан грант тошларини қайта ишлаш лойиҳасини йўлга қўйиш мақсадида ажратилди.



Бугунги кунда тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобидан лойиҳа-смета ҳужжатларини шакллантириш, инфратузилмага уланиш, логистика, ободонлаштириш тадбирлари, қурилиш-монтаж ишлари ҳамда технологияларни келтириб ўрнатилган 59,5 миллиард сўм инвестиция киритилган. Айни пайтда корхона фаолиятидаги умумдорлик таҳсинга сазовордир. Таъкидлаш жоизки, "JOM

MARBLE" МЧЖ томонидан жорий йилнинг ўтган даврида умумий қиймати 6,8 миллиард сўмлик грант тошлари қайта ишланиб, 471,81 минг АҚШ доллари қийматига тенг маҳсулот экспорт қилинди. Корхонада янги иш ўринлари яратилган ҳам жиддий эътибор берилмоқда. Бу ерда ҳозиргача 50 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари, асосан, ёшлар ишончли даромад манбаи билан таъминланди.

Маърифат ШАРИПОВА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ВАЗИЯТЛАРНИ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТ ОРҚАЛИ БАҲОЛАЙДИ

(Боши 1-саҳифада)

Ишлаб чиқилган ахборот тизимлари соҳа вакиллари қулайлик яратиш билан бир қаторда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг вазиятларни баҳолаш маркази қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва самарали ечимлар топиш учун ташкил этилган муҳим тузилма ҳисобланади. Марказ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги маълумотларни тўплайди, уларни таҳлил қилади ва турли вазиятлар бўйича маълумотлар базасини яратди. Бу маълумотлар келгусидаги режалар ва қарорлар учун асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида юзага келадиган турли муаммоларни барвақт аниқлайди ва уларни прогноз қилади. Бу орқали муаммоларга ўз вақтида чора кўриш ва уларни ҳал этиш учун тадбирлар белгилаб олинади. Марказнинг тахлилий хулосалари асосида вазирлик самарали бошқарув қарорларини қабул қилади. Бу қарорлар қишлоқ хўжалигининг ривожланишини таъминлашга, ишлаб чиқаришни оширишга ва қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган.

Ушбу вазиятлар маркази мамлакат қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш ва турли муаммоларни ўз вақтида ҳал этишга йўналтирилган. Бугунги кунда дунёда ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизга яқини рақамли активларга тўғри келади, уларни ишлаб чиқариш суръати жаҳон иқтисодий ўсишининг 30 фоизини ташкил этади. Бу маълумотлар ҳам тез суръатларда ўсиб, кенгрок қамров касб этиб бормоқда. Рақамли иқтисодиётни шакллантириш зарур инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этса-да, аксар давлатлар унинг замонавий жиҳатларини қўллашга, шу орқали ривожланишга эришишга интиломоқда. Замонавий технологияларни фаол татбиқ этиш мамлакатимиз тараққиётининг устувор вазибаларидан саналади.

Мамлакатимизда "ақлли" технологияларни жорий этган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришининг барқарор тизимларини яратиш ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Экинларни экиш, етиштириш, сақлаш ва ташишда

Qishloq xo'jaligida ajratilgan subsidiyalar >



Qishloq xo'jaligiga mo'ljallangan yer uchastkalarini (jaraga berish) >



Hududlardagi dehqon bozorlarida mahsulotlarning narxlari to'g'risida ma'lumot >



ҳосилнинг бир қисми йўқотилишини камайтириш борасида мавжуд ер, сув, моддий-техник ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминловчи замонавий қишлоқ хўжалиги технологияларини татбиқ этиш зарур. Мазкур жараёнларнинг масофадан мониторингини ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Вазиятлар маркази "AGROBI" дастурий таъминотини ишлаб чиқди. Эндиликда юритилаётган ҳисобот шаклларини рақамли кўринишга ўтказиш бўйича "Агроранотни рақамлаштириш маркази" МЧЖ томонидан мазкур ҳисоботларга боғлиқ воситалар шакллари ишлаб чиқилмоқда. Вазиятлар марказида қўйидагилар жойлаштириб борилди:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг экспорт-импорт маълумотлари;
- давлат ер фонди маълумотлари;
- Е-йўлга электрон тизими маълумотлари;
- пахта-ғалла ерларини захирага қайтариш режаси;
- Республика ҳудудлари бўйича асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва истеъмоли тўғрисидаги маълумотлар;
- қишлоқ хўжалиги соҳасида субсидиялар бўйича

маълумотлар;

– Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги темир дафтарлар бўйича ерлар ажратилинганлиги бўйича маълумотлар;

– қишлоқ хўжалиги ерларининг агрокимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

– Давлат статистика агентлигидан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги ва истеъмоли маҳсулотларининг ўртача нархлар кўрсаткичлари, аҳоли сони ва бошқа турдаги статистик маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали маълумотлар алмашмоқда. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва бошқа ташкилотлар билан интеграция қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур тизимнинг тўлиқ жорий этилиши мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг янада тараққиёт этишига хизмат қилади.

Фозил ТЕШАЕВ,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бўлим бошлиғи.

Долзарб мавзу

Инсон саломатлиги у озиқланаётган сув ва неъматлар софлигига боғлиқ бўлганидек, шахс дунёқаришининг соғломлиги ва илм савияси ўзлаштираётган маълумот ва билимларининг фойдаланиш одоби ижтимоий одобларнинг энг аҳамиятлиларидан бири ҳисобланади.



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРНИНГ

ХАТАРИ

ўзи кифоядир". Шариатимизга кўра, ҳар бир мусулмоннинг шаъни ва обрўсини тўқатиш худди қонини тўқатиш ёки молини ўзлаштириш каби бошқа мусулмон учун ҳаромдир. Қолаверса, Пайғамбаримиз алайҳиссалом муборак ҳадиси шарифларидан бирида шундай деганлар: "Жаброил алайҳиссалом мени осмонга олиб чиққанда бир қавмнинг олдидан ўтдим. Уларнинг мисдан тирноқлари бўлиб, у билан юзлари ва кўксиларини тимдашар эди. Мен: "Эй Жаброил, булар кимлар?", деб сўрадим. Шунда: "Улар одамларнинг гўштини еб, яъни уларни ғийбат қилиб, обрўларини тўққан кимсалардир", дея жавоб берди" (Имом Абу Довуд ривояти). Ушбу ҳадисдан динимизда инсоннинг шаъни, обрўси қанчалик қадри эканлиги, уни поймол қилишнинг оқибати аянчи экани маълум бўлмоқда.

Сўнгги йилларда интернет сисъий курашлар майдони, турли хил манфаатларнинг кучли қуролига ҳам айланиб бормоқда. Ҳар қандай тўсиқ, чеклов ва тақиқларни айланиб ўтишга мослаштирилган ижтимоий тармоқлар бугунги кунда чинакамига жиловлаб бўлмас

кучга айланди. Террорчи тўдалар, адашган фирқалар ва бошқа бузғунчи кучлар ижтимоий тармоқлар имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда одамларни, айниқса, ёшларни тўғри йўлдан адаштириш, улардан ўзларининг манфур мақсадлари йўлида фойдаланиш, жамиятда нуфоз чиқариш ҳамда энг ачинарлиси уриш оловини ёқишга уринишмоқда ва бунга маълум маънода эришишмоқдалар ҳам. Аслида турли фитналар уюштириш, инсонлар ўртасида адоват уруғини сочиш – динимизда энг катта жиноятлардан бири экани таъкидланган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган: "Фитна эса қотилиқдан ҳам каттароқ гуноҳдир...". Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бирчаларимизни турли фитналардан ва фитначилардан доимо эҳтиёт бўлишимизга чорламоқда. Шунингдек, турли оқимлар ўзларининг манфур қарашларини ёшлар онгига сингдириш учун ижтимоий тармоқлардан кенг қўламда фойдаланмоқда. Бу ҳам ёшлар, умуман, диндан, диний маърифатдан яхши ҳабардор бўлмаган кишиларнинг соф ақидадан оғиб кетишига, фикҳий маъналар борасида нотўғри фикр ва тушунчалар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, диний илмларни олишда, фатво олишда шахсиятлар муҳимдир. Интернет орқали диндан, шариатдан гапирётган, лекин аслида кимлиги ҳам, кимдан таълим олгани ҳам номатълум кимсалардан билим олинмайди. Чунки, фатво бу –

дин демакдир. Шариатимизга кўра эса уни ким етказаетгани муҳимдир. Шунинг учун машҳур тобеин Муҳаммад ибн Сийрин раҳматуллоҳи алайҳи: "Бу илм – диндир. Динларингизни кимдан олаётганингизга қаранлар", деганлар (Имом Муслим ривояти). Ўзингиз танимаган, билмаган инсондан билмаган нарсаларингизни сўраманг, чунки сиз унинг мазҳабини, ақидаси-ю мақсадини билмайсиз. Имом Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳи: "Илмни ишончли зотлардан олиш лозим, чунки диннинг устун илм биландир. Кини ўзининг жонини ишонадиган кишигагина динини ҳам ишониб топшириши лозим", деганлар. Ёвуз ниятли кимсалар ғаразли мақсадлари йўлида ва халқнинг ўзлигини емириш учун турли усуллардан фойдаланади. Улардан бири – жамиятда ахлоқий бузуқликни ёшидир. Бу йўлда ғаламислар ижтимоий тармоқ орқали ахлоқсизликни, фаҳшини кенг тарқатишга бор имкониятларини сарфламоқдалар. Беҳаёликка йўғрилган тасвирлар, видеороликлар тарқатиш орқали ер юзиде фасод тарқатишга "хизмат" қилмоқдалар. Бу каби иллатлар жамиятимизда ўзининг салбий таъсирларини кўрсатмай қолмайди. Бу иллат катта ёшдагиларнинг ҳам, ўрта ёшдагиларнинг ҳам ахлоқий бузилишига ва инсонларнинг зехнлари сусайишига сабаб бўлмоқда. Ижтимоий тармоқларда бир-бирига номаҳрам бўлган ўзларининг манфур мақсадлари йўлида фойдаланиш, жамиятда нуфоз чиқариш ҳамда энг ачинарлиси уриш оловини ёқишга уринишмоқда ва бунга маълум маънода эришишмоқдалар ҳам. Аслида турли фитналар уюштириш, инсонлар ўртасида адоват уруғини сочиш – динимизда энг катта жиноятлардан бири экани таъкидланган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай деган: "Фитна эса қотилиқдан ҳам каттароқ гуноҳдир...". Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло бирчаларимизни турли фитналардан ва фитначилардан доимо эҳтиёт бўлишимизга чорламоқда. Шунингдек, турли оқимлар ўзларининг манфур қарашларини ёшлар онгига сингдириш учун ижтимоий тармоқлардан кенг қўламда фойдаланмоқда. Бу ҳам ёшлар, умуман, диндан, диний маърифатдан яхши ҳабардор бўлмаган кишиларнинг соф ақидадан оғиб кетишига, фикҳий маъналар борасида нотўғри фикр ва тушунчалар шаклланишига сабаб бўлмоқда. Қолаверса, диний илмларни олишда, фатво олишда шахсиятлар муҳимдир. Интернет орқали диндан, шариатдан гапирётган, лекин аслида кимлиги ҳам, кимдан таълим олгани ҳам номатълум кимсалардан билим олинмайди. Чунки, фатво бу –

М. БОБОХЎЖАЕВ,

Норин туманидаги "Умархўжа ашон" жомеъ масжиди имом хатиби.

Одамларнинг ўзи бир-бирини шу даражада қадрсиз қилганига нима дейсиз? Қани деҳқоннинг қадр-қиммати? Қани меҳнатнинг қадри?

(Боши 1-саҳифада)

Нима бўлса-да, ўз манфаатини қўзлаб, кетмон чопгани аниқ. Аммо эндигина оғзим ошга етди деганда, нарх-наво тушиб турса, камига кўтарасига оларман ҳам бўлмасам...



Деҳқондан олийжаноби, хотамитойи бўлмасам керак? Далага борсангиз асло қуруқ қайтармайди. Бир коп, ярим копни шундағам берворади. Аммо... ижтимоий

тармоқларда кўрганимиздек бутун бир даладаги экинни текинга тарқатишига нима дейсиз? Бу деҳқоннинг сохаватпешалиги ёки хотамитойлигидан эмас, балки экин-

нинг уволдан кўрқанидан, ҳеч бўлмасам экиннинг дуосидан умид қилганидан. Илож-силикдан. Қолаверса, ерни бошқа экинга тайёрлаш керак. Экин турган далага трактор олиб киришни нонкўрлик, деб билади. Одамлар деҳқоннинг шу гапини кутиб тургандай далага ёпирилади. Бир коп, икки коп майли, дамасни тўлдириб олиб кетганларга нима дейсиз? Ҳа, экин эгаси розику, яна нима истайсиз, дерсиз? Лекин одамларнинг ўзи бир-бирини шу даражада қадрсиз қилганига нима дейсиз? Қани деҳқоннинг қадр-қиммати? Қани меҳнатнинг қадри? Ўйлаб қолсан киши. Бировнинг ютқазгани, бировнинг ютуғими? Кимдир деҳқонни ўйлайдими? Деҳқоннинг ичидан ўтаётган ўй билан кимнингдир иши борми? Текин олиб кетаётганларда диёнат, виждон қани? Ахир бир инсон йил бўйи қилган меҳнатига, харажатига қуйиб қолди. Ҳеч бўлмасам шу меҳнати учун озроқ ҳақ бериб кетиши ке-

рак эмасми? Кейинги экин учун ҳарна ёрдам бўлади, деган ўй кимнингдир хаёлидан ўтдимикан? Қани экиннинг тўйда бўлса ўртага тушиб бошқарадиган кайвониси? "Тўхтанлар, бу инсонга бозор нархининг учдан бирини берайлик, ё чўнтагимиздан атаганимизни ташаб кетайлик" деб сўз айтадиган кайвони қани? Афсус. "Текин бўлса, ётиб ейди", "Бели оғримаганининг нон ейишини кўр" каби нақллар айнан бизга айтилганининг исботи бу.

Шу кетишда тарвузнинг ҳам "обўйи" текинга тенг бўладиганга ўхшайпти бу йил. Уриқларниқу машиналар оёғи остига поёндоз қилдик бу йил.

Бир йил хор бўлган нарсаларга бошқа йил зор бўлиниши аниқ. Энди айтингчи, кейинги йилда бугун бозорда минг сўм, далада текин бўлган пиёзнинг келаси йилги баҳоси ўн минг бўлмаслигига ким қафолат беради?

Умуман, ўйлаб кўрадиган масала борга ўхшайди бу ўринда. Фермернинг ери бўладими, деҳқон хўжалигиникими, ё томорқа ерими махсулот эҳтиёжи, талаби назарда тутилиб, экин турларига қараб режалар экинни йўлга қўйишни назоратта олиш пайти келмадимикан? Биладими, биргина деҳқон ўз хўжалиги мисолида бунга эллай олмайди. Аммо мамлакат миқёсидаги деҳқончилик раҳбарлари, иқтисодчилар, экспорт-импорт масалалари мутасаддилари таҳлил қилиб, таҳлилий натижаларни эълон қилиб туришлари керакмасми? Масалан, ҳосилга киргач 20-30 йиллаб ҳосилдан тўхтамайдиган ўриқларни ҳадеб эканлар, бунинг устига йўл бўйига экинни чеклаш учун катта тадқиқот керак эмас бугун.

Муҳайё ЁРОҚОВА



➤ Тақдирлар, тақдирлар...

Ирода касалхона деразасидан ташқарини кузатар экан, ҳов наридаги аёл ва эркакка ҳаваси кела бошлади. Ҳойнаҳой, у йигит хотинини кўрган келган, бир жуфт кабутардай бир-бирларидан ажралгиси йўқ. Аёлнинг юзи табассумдан ёришиб кетган...

Ироданинг хаёлига ўзининг турмуш ўртоғи келди. Боя келиб, кетувди. Иккита нон, битта косада картошка қовурма олиб келибди, холос. Ҳовлилари ўртасида ўсган шотутдан егиси келаётганини икки марта айтганди, эсидан чиқарибди. Яна айтганди, эри жеркиб берди: "Мен ўйнаб юрибманми? Бу ерда ётволди, буйруқ бераверасан экан-да!" деб. Ирода хонадошлари олдида бирим изза бўлди...

— Ирода опа ким? Жувоннинг хаёлини ҳамширанинг овози бўлди. — Мен... - ўғрилар экан, Ирода киприқларига илиниб турган ёшни бармоқлари билан артишга улгурди. — Турмуш ўртоғингиз келса, врачга учрасин экан. — Ҳўп...

Ирода яна хаёлларга берилди. Дўхтир нега эрини сўрайди? Яна янги дорилар буюрармикан? Уҳ, яна боши балога қоладиган бўлибди-да. Эри бир соат жаврайди. Яна таъна қилади, бошқаларнинг хотинларига ўхшамайсан, топганим сени даволатишга кетаяпти, деб. Ўзига қолса, ҳечам касалхонага ётмасди. Ахир неча марта уйларига келган ҳамширанинг гапларини эрига, қайнонасига айтмади-ку. Агар ўша кунни хушидан кетиб қолмаганида...

... Ўша кунни Ирода анчагина кир ювди. Кун иссиқ эди, қайнонаси тушлик вақти ўтиб бораётган бўлса-да, салқин супага ўтириб олиб, қайта-қайта таъкидлайверди: "Бир йўла тугатиб қўяқолинг, кейин патир ёпамиз. Эртага мен опангизникига бораман".

Кирни эндигина тугатиб, бўзариб қолган шотут тагига борди. Қўлидаги косага бир ҳовучини шотут терди. Эндигина дастурхон бошига ўтирганди, қўшни хола чиқиб қолди. Ирода унинг тагига кўрпача солди, чой қўйиб узатди. Дастурхон ёзиқлигида биров келишини ёқтирмайдиган қайнонасидан у яна гап эшитди.

— Чайналиб ўтиравермай, тез-тез чойингизни ичингда, ҳамир қоринг!

Ирода шотутга узатилган қўлини дарров тортиб олди. Бир пиёла чойни ичдию, туриб кетди. Қайнонаси эса қўшига юзак милозатма кўрсата кетди:

— Шотутдан олинг, қўшни, дори бўлади. Келинчак вужудидан мадор қочаётганини билиб турарди, лекин тин олишга юрак қайда. Ҳамир кўпунчи қайнонасининг уйини тозалаб чиқди. Тандирга ўт қалаб, қиздирди. Кўнгли алағда бўлаверди. Нонга уриш учун обекелган чўмичдаги илиқ сувдан қайнонасига кўрсатмай бир-икки хўшлаб олди. Бўлмади, у оч эди. Патирларни узиб олаётганда, иссиқ элтидими...

Кўзини очса, касалхонада ётибди. — Ҳозирги ёшлар жа айёрми, шейман, синглим? — дерди тепасида ўтирган қайнонаси дийфокорга. — Ишга қўли тегдими, ўзини касалга солади-я!

— Келиннингизнинг ахволи оғир, қони кам жуда, қон босими ҳам тушиб кетибди. Бу хомилда ёмон таъсир қилади, — деди врач аёл жалжини аранг ёсим.

Унинг гапига жавобан Мавлуда хола қошини чимирди:

— Биз экан-да, ҳар йили бола туғиб ҳам камқонлик нима билмаган!

— Холажон, сизнинг даврингиз бошқа эди, ҳозир экология яхшимас. Озиқ-овқатларнинг калорияси кам. Ёшларнинг организми бакувват эмас...

— Ҳм, ўлақолсин...

Ирода шундан буён касалхонада. Докторлар кетишига руҳсат беришмапти.

Ироданинг кўзи илинибди. Тушида кўзи ёриганмиш. Саҳрода ётармиш, сал наридаги тупроққа беланган боласига қўли етмасмиш. Олис-олислардан ўша бир туп шотут, унинг соясида қайнонаси ва эрининг чехраси кўринаммиш. Ирода уларга овози борича ёлвориб, илтиқо қилар эмиш. Улар эса бепарво, индамай иккисини кузатармишлар...

Чўчиб уйғонган Ироданинг томоғи қақраб кетганди. Ўрнидан турмоқчи бўлганди, белида қаттиқ оғриқ пайдо



бўлди. Шу қадар кучлики, беихтиёр чинқириб юборди. Дарров ҳамшира етиб келди. Уни операция хонасига олиб кириб кетишди...

... Неча кун Ирода хушига келмади. Бугун кўзини очиши билан бир лаҳза нималар бўлганини тушунолмай ётди. Кейин ҳаммасини билгандай бўлдию, ёнидаги врачни сўроққа тутди:

— Болам? Болам қани? Унга нима бўлди? — Ўзингизни босинг. Энг муҳими, сизнинг жонингизни асраб қололдик.

— Йўқ, боламга нима бўлганини айтинг менга. Айтинг! — У ўлик туғилди...

Ироданинг теграсидаги деворлар чир айланди. "Энди нима бўлади?" — деган савол шуурини ёритиб ўтди-ю, қалбига кучли оғриқ солди...

Ирода бир ярим ой деганда касалхонадан уйига қайтди.

— Қуда, Иродахон бирор ой бизникида турсинмикан? Сал қувватга кириб олса...

Мавлуда хола қудасига шундай чимирдики, Ироданинг онаси мум тишлаб қолди.

— Ўзийиз биласиз, қудапошша! Олиб кетаман, десангиз, ана бутунлай...

— Йўқ-йўқ, Худо асрасин. Майли, шу ерда қолсин, ахир сиз ҳам онаси...

Ироданинг иззати икки кундаёқ битди. Учунчи кунни эрталаб қайнонаси унга бир талай юмушларни буюриб ташлади.

Кейин ҳаммаси яна ўз изига тушиб кетди. Ҳар замонда Ироданинг тоби қочиб турганини ҳисобга олмаганда, ҳамма кунлар бир зайдда кечаверди.

Иккинчи бор хомилдор бўлган Ирода яна шотутга бошқоронги бўлди. Лекин шотут пишадиган вақт эмасди. Ҳовли ўртасидаги каттакон дарахт аёлининг сирдошига айланиб қолди гўё. Ҳар тонг мўъжиза юз бериб, унда ҳеч йўқса, бир-икки дона мева пайдо бўлиб қолишини Худодан сўрайди. Аммо мўъжиза юз бермайди сира...

Унга ўзини эҳтиёт қилиши лозимлигини шифокор ва ҳамширалар кўп бора таъкидлашди. Бироқ оғирроқ келиннинг ихтиёри ўзида эмасди, эри нимани олиб келиб берса, шунга ейди. Қайнонаси нима юмуш буюрса, қилишга мажбур. Туғилмасдан нобуд бўлган биринчи набиранинг заволи ҳам Мавлуда холанинг кўзини очмаган эди. Хастахал келиннинг мадорсизлигини унинг макру ҳийласи деб тушунди. Лекин табиатан содда ва итоаттўй Ирода бундай тарбия кўрмаган эди. Ота-онаси уларни ҳаммаша тўғрисўз бўлишга, катталарнинг сўзини икки қилмасликка, эрининг ҳар бир буйруғини сўзсиз бажаришга ўргатган эдилар...

Баҳорга чиқиб, Ироданинг кўзи ёриди. Аммо нимжонгина чақалоқ икки ойгина яшади, холос. Аввалига қиз туғилганидан норизо эр норасидани тупроққа қўйиб келгандан сўнг ҳам хатосини англамади. Хотинидан

икки оғиз ширин сўзи, тасаллисини қизғониб, кўчага чиқиб кетди. Аламини ароқдан олди, улфатлари билан гурунлашиб, дардини унутди.

Лекин Ирода кимдан олсин эди аламини шу тобда? Қайнона она бўлиб холини тушуномаса, эр эр бўлиб уни аямаса, нега яшайпти бу хонадонда ўзи? Айби нима? Аёл бўлиб яралганими?

Афсуски, минг ўртасин, бу саволларга жавоб тополмасди. Шотут сояси остида кўз ёши тўкишдан бошқаси қўлидан келмасди унинг...

Ирода учун кейинги бир йил кутиш билан ўтди, иккинчи йил қайнонанинг келини кетказиш учун бўлган уринишлари билан... Учунчи йили... Ориф бошқасига уйланиб олди...

Андишанинг оти қурсин, Ирода шунда ҳам тишини тишига қўйиб чидади. Негаки, айбини жуда яхши билади: эрига битта болани эплаб туғиб беролмади. Лекин аслида бу биргина унинг айби эмасди. Лекин шунга тан оладиган мард эмасди эри ҳам, қайнонаси ҳам...

... Бугун ҳам эри уйга келмади. Ирода ухламай тонг оттирди. Қайнонаси катта қизиникига кетганди, бир ўзи қўрқди.

Эртаси кунни тушдан кейин кириб келган Ориф унга парво ҳам қилмади. Чарчаганини айтди-да, ўзини ўринга ташлади.

— Кеча... кеча уйга келмадингиз... — Нима бўпти? Биласан-ку, қаерда эканимни.

— Биламан... Лекин ойм уйда йўқ эдилар. Ҳеч йўқса... мени қўрқди деб ўйламадингизми?

— Ҳе, сени ит ермиди?

Ироданинг дили оғриди. Лекин сиртига чиқармади. Балки унинг ўрнига бошқа аёл бўлганида, шу гапи учун эрига муносиб жавоб айтолган бўларди. Ирода ундай аёллардан эмасди.

— Шунчалар кераксиз одам эканман... воз кечиб қўяқолинг...

— Билганингни қил!

— Мен... Мен хомилдорман.

Йўқ, ҳартугул Орифда озгина бўлсам, виждон бор экан, кўзини очиб Иродага қаради:

— Нима дединг?

— Бўйимда бўлибди...

— Вей, сен-чи, аввал эплаб туғиб қўй болани. Ҳўпми, кейин гапир менга. Ана, бошқаларни кўр (қундошингни демоқчи бўлди-ю, тилини тийди), бир йилда кўчқордай ўғил туғди. Сени улардан қаеринг кам эди?

Ироданинг боши эгилди. Ичиди: «Агар мени ҳам қундошимга ўхшаб эҳтиёт қилганингизда, онангиз бошимда туриб, қулдек ишлатмаганда, менга ҳам егим келган нарсани ташмалаганингизда, балки боламни соғ-омон дунёга келтирардим», - деган гаплар ўтди. Бироқ уларнинг тилига чиқаролмади. Ирода бу гапларни фақат тонгда, ҳамма ухлаб ётганида, остига тўкилган барглари кўйларга териб бераётганида, шотутга гапирди олди, холос...

Ироданинг яна орзулари янгиланди. Она бўлишнинг лаззатини, сурурини ўйлаб, ўзини бахтиёр сездди. Бевафо эрига фарзанд туғиб бергач, инсоф киришидан умид қилди. Қайнонасининг каттақон дарахт аёлининг сирдошига айланиб қолди гўё. Ҳар тонг мўъжиза юз бериб, унда ҳеч йўқса, бир-икки дона мева пайдо бўлиб қолишини Худодан сўрайди. Аммо мўъжиза юз бермайди сира...

Унга ўзини эҳтиёт қилиши лозимлигини шифокор ва ҳамширалар кўп бора таъкидлашди. Бироқ оғирроқ келиннинг ихтиёри ўзида эмасди, эри нимани олиб келиб берса, шунга ейди. Қайнонаси нима юмуш буюрса, қилишга мажбур. Туғилмасдан нобуд бўлган биринчи набиранинг заволи ҳам Мавлуда холанинг кўзини очмаган эди. Хастахал келиннинг мадорсизлигини унинг макру ҳийласи деб тушунди. Лекин табиатан содда ва итоаттўй Ирода бундай тарбия кўрмаган эди. Ота-онаси уларни ҳаммаша тўғрисўз бўлишга, катталарнинг сўзини икки қилмасликка, эрининг ҳар бир буйруғини сўзсиз бажаришга ўргатган эдилар...

Баҳорга чиқиб, Ироданинг кўзи ёриди. Аммо нимжонгина чақалоқ икки ойгина яшади, холос. Аввалига қиз туғилганидан норизо эр норасидани тупроққа қўйиб келгандан сўнг ҳам хатосини англамади. Хотинидан

Нихоят, бир кунни жувонни дард тутди. Шу кунларда Ориф уйга умуман келмаётганди. Қайнонаси яна тўйга кетганди. Қўшнилари то унинг ҳолидан хабар топиб, туғруқхонага олиб келишганида, кечикишган эди.

Бу гал чақалоқ соппа-соғ дунё юзини кўрди. Аммо докторлар Ироданинг хаётини сақлаб қололмадилар...

Орифнинг Ирода вафот этмасидан аввал уйланиб олган иккинчи хотини онаси хизматини қилишга кўнмади. Катта ховлида сўппайиб қолган Мавлуда холага шундагина Ироданинг қадри билинди.

Айтганча, баҳор келиб, ҳамма дарахтар қуртак ёзди-ю, лекин ҳовли ўртасидаги шотут кўкармади. У қуриган эди.

Шаҳло ТОШБЕКОВА

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ

ИНСПЕКЦИЯ ХОДИМЛАРИ КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА

ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жиззах вилояти ҳудудий Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекциясида коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда ҳудудий инспекция вазирилари ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш давомида раҳбарият томонидан берилган қонуний топшириқларни қонун ҳужжатларини бузмаган ҳолда бажариши, мансабидан фойдаланиб таъмагирилик қилмаслиги, ходимлар томонидан расмийлаштирилмаган ҳужжатларни қалбакилаштириш ва сохталаштириш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозимлиги, шунингдек, ходимлар томонидан ўзларига юклатилган вазифаларни бажаришда коррупцион ҳаракатларни амалга ошириш жиноят эканлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январда қабул қилинган "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳусусида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Ўтган йилларда республикада коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизми шакллантирилди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жиззах вилояти ҳудудий Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси раҳбари Акбар Абдуразоқов.

Мазкур йиғилишимизда ҳам коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қилиб, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни

бартаф эйтиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш белгиланганлигини яна бир бор қайд этиб ўтдик.

Йиғилиш давомида иштирокчиларга давлат ташкилотларидаги мавжуд коррупция ҳозирги вақтда жаҳоннинг деярли барча мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистондаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланиши, бу турдаги коррупция жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, уларни ўзлари қонунга риоя этишлари ва уни муҳофаза қилишлари лозим бўлган кишилар содир этишлари ғоят ачинарли эканлиги айтиб ўтилди.

Мамлакатимизда бу борадаги жиноятларни аниқлаш, олдини олиш, унга қарши курашиш мақсадида кенг миқёсда тадбирлар амалга ошириляётгани ҳам таъкидланди. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот берган шахсларнинг ҳимоя қилиниши қафоллангани ҳам ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Йиғилишда инспекция ходимлари ўзларининг иш фаолиятидаги хизмат вазифаларини бажариш давомида коррупцияга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш, бартаф эйтиш ва ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини хабардор этишлари лозимлиги бўйича қатъий оғоҳлантирилди. Ходимларга коррупцияга оид Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қатор фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти, коррупцияга йўл қўйилган ҳолатларда қандай жавобгарлик чоралари белгиланганлиги батафсил тушунтирилди.

Ориф ЖУМАНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Ўз тажрибаларини қўни-қўшнилари ва ёшларга ҳам етказиш Сайхунобод тажрибасини омналаштиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида эътироф этилди.

Маҳалла еттилиги ҳар бир хонадонга қанот бўлиши, барча юмушларни бажариши, мазкур тажрибани кенг тарғиб этишда локомотив вазифасини ўташи лозимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод тажрибасини омналаштириш ташаббусини илгари сурганидан кўзланган мақсад ҳам шу.

Зеро, мазкур тажрибанинг амалиётга кенг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш билан бир қаторда дастурлар чарчамайдиган бу каби тадбиркорлар маҳаллалар ободлиги, оилаларнинг тўқиллиги-ю хонадон озодаллиги йўлида барчага ўрнатилган таъкидлар экан, хонадон соҳибларининг

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати



«САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ»: АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА УЛАРИНГ ДАРОМАДАРИНИ ОШИРИШ, ТАРАҚҚИЁТ ДЕМАК

(Боши 1-саҳифада) Хуллас буларнинг ҳаммаси тиниб тинчмайдиган Хусан ақанин яратувчанликка интилиши, аграр соҳада янгиликлар қилишдан чарчамаслиги, ишни тўғри йўлга қўя олиши натижасидир.

Айнан мана шу маҳалла аҳли мисолида меҳнаткаш сирдаёқликлар ҳам бугун оиласига тўқин-сочинлик, кўт-барака олиб кираётганини кўриш мумкин. Маҳалладаги ҳар бир хонадонда иссиқхоналар ва аҳолини ўзини-ўзи банд қилган ҳолда даромадга ўргатилиш ишлари маҳалла еттилиги томонидан бошлаб юборилган.

Вазир ўз навбатида, бугун аграр соҳада меҳнат қилаётган, изланиш ва яратувчанликдан чарчамайдиغان бу каби тадбиркорлар маҳаллалар ободлиги, оилаларнинг тўқиллиги-ю хонадон озодаллиги йўлида барчага ўрнатилган таъкидлар экан, хонадон соҳибларининг

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

Ўз тажрибаларини қўни-қўшнилари ва ёшларга ҳам етказиш Сайхунобод тажрибасини омналаштиришда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида эътироф этилди.

Маҳалла еттилиги ҳар бир хонадонга қанот бўлиши, барча юмушларни бажариши, мазкур тажрибани кенг тарғиб этишда локомотив вазифасини ўташи лозимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод тажрибасини омналаштириш ташаббусини илгари сурганидан кўзланган мақсад ҳам шу.

Зеро, мазкур тажрибанинг амалиётга кенг жорий этилиши, аҳоли бандлигини таъминлаш билан бир қаторда дастурлар чарчамайдиغان бу каби тадбиркорлар маҳаллалар ободлиги, оилаларнинг тўқиллиги-ю хонадон озодаллиги йўлида барчага ўрнатилган таъкидлар экан, хонадон соҳибларининг

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати

"ПАРИЖ – 2024": МАҚСАДЛАРНИНГ УЛУҒЛИГИ ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАРГА ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ



(Боши 1-саҳифада)

Ҳеч бир соҳа мамлакатни спортчилик дунёга тез танита олмайди. Буни Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юксак ғалабаларни қўлга киритаётган матонатли спортчиларимиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева, Осиё Олимпия кенгаши вице-президенти О.Умаров, Давлат хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон футбол ассоциацияси раиси А.Азизов, Ўзбекистон Республикаси спорт вазири А.Икромов, Миллий олимпия қўмитаси бош котиби О.Қосимов ва бошқа расмийлар иштирок этди.

Сўнгги йилларда Янги Ўзбекистоннинг янги ғалабаларини таъминлашда спортнинг ўрни бекиёслиги, юртимизда жисмоний тарбия ва спорт йилдан-йилга ривожланиб янги босқичга кўтарилаётгани қайд этилди. Президентимиз томонидан жорий йилнинг 26 июль – 11 август кунлари Париж шаҳрида бўлиб ўтadиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII

эди. Жорий йилги "Париж – 2024" ўйинларида 70 нафардан зиёд спортчи қатнашади. Эйтиборлиси, футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси биринчи марта иштирок этмоқда. Бундан ташқари спортчиларимиз дзюдо, бокс, академик ешак эшиш, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда ешак эшиш, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, сузिश, таэквондо (WTF), ўқ отиш, эркин ва юнон-рум кураши каби спорт турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади. Улар орасида нуфузли мусобақалар, жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари бўлган тажрибали спортчилар билан бир қаторда илк марта иштирок этадиган ёш спортчилар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

– Токиода ўтган Олимпия ўйинларида бронза медалини қўлга киритган эдим, – дейди дзюдо бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони, Олимпия ўйинлари совриндори Давлат Бобонов. – Президентимиз мени "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан



Паралимпия ўйинларига спортчиларнинг ҳар томонлама тайёриги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун барча шароит яратиб берилгани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари йилгит-қизларимизни турнир давомида ҳам қўллаб-қувватлаб туришлари маълум қилинди.

Спортчилар номидан сўзга чиққан дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Музаффарбек Тўрабоев, бокс бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистоннинг биринчи жаҳон чемпиони Ниғина Уктамова Олимпия ўйинларидан юксак ғалабалар билан қайтишга ваъда берди. Бу ғалаба мустақиллигимизнинг 33 йиллигига муносиб туҳфа бўлишини таъкидлашди.

Тадбирда "Париж – 2024" Олимпия ўйинлари ғолиб ва совриндорларига давлат томонидан бериладиган мукофот пуллари миқдори маълум қилинди. Жумладан, Олимпиада чемпионлари 200 минг, кумуш медаль соҳиблари 100 минг, бронза медаль совриндорлари 50 минг АҚШ доллари билан тақдирланади.

Айтиш лозимки, 2020 йилда ўтказилган Токио Олимпиадасида 67 нафар спортчимиз иштирок этган

тақдирлади. Бу йилги Олимпиадада албатта олтин медални қўлга киритаман. Халқимизнинг ишончини оқлаш учун бор куч-гайратимни сарфлайман.

– Бу йилги Олимпиадада иккинчи олтин медалини қўлга киритиб, ёруғ юз билан қайтишни мақсад қилдим, – дейди бокс бўйича жаҳон ва қитъа чемпиони, Осиё ва Олимпия ўйинлари ғолиби Баҳодир Жалолов. – Давлатимиз томонидан бизга кўрсатилаётган улкан эътибор ва гамхўрликка жавобан Олимпия ўйинларида юксак натижаларга эришиш учун бор салоҳиятимизни ишга солашим.

Тадбирда Ўзбекистон спорт делегациясининг "Париж – 2024" ёзги Олимпия ўйинларидаги расмий ва спорт либослари намойиш этилди.

Ўзбекистон спорт фахрийлари кенгаши раиси Баҳодир Махситов дуога қўл очиб, Парижга йўл олаётган делегациямиз вакилларига оқ йўл ва омад тилади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

ЎЗА

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Тарихга назар

Жарқўрғон тумани Минор маҳалласида жойлашган "Жарқўрғон минораси"ни XI асрнинг бошларида, 1108-1110 йилларда Салжукийлар подшоиси Абу Сайид Сумғур Бодром ўзидан ном қолдириш мақсадида Чарманган қалъасининг ичидан Серахслик меъмор Али ибн Муҳаммад ас – Сарахсий бошчилигида қурдирган.

ЖАРҚЎРҒОН МИНОРАСИ

Чарманган сўзининг луғавий маъноси жар ёқасидаги қалъа деган маънони билдириб, бу кейинчалик Жарқўрғон сўзига алмашиб кетган. Минора ичкарасида 92 та айланали зинапоёлар мавжуд бўлиб, ўша даврда соқчиларнинг юқорига чиқиб, атрофни кузатишида, кейинчалик муаззинларнинг азон айтиб одамларни намозга чақиритишда ҳам фойдаланилган. Гарчи ҳозирда сақланиб қолинмаган бўлсада Н. Н. Каразиннинг 1879 йилда олган суратида минора ёнида эски масжид харобаси акс этган. Минора Хуросон меъморчилик мактаби анъаналари асосида барпо этилиб, халқ тилида "Бурманган мўъжиза" деб ҳам юритилади. У саккиз қиррали пойдевор устига ғиштдан мавж шаклида терилган. Пастдан юқорига қараб тўлқинсимон бўлиб ингичкалашиб кетган бир-бирига улашган ўн олти плитавор қобирга устундан иборат бўлиб, бирор жойида хаҳолиги йўқ. Йиғирма метр баландликда ғиштин панжарали равоқлар ишланиб, унинг устига араб илмосининг қуфий ёзувида ёзилган хошия бор. Белбоғ устида яна қирралар давом эттирилган, лекин минора тепаси сақланиб қолинмаган. Миноранинг устки ва остги ҳамда танасининг қобирғасида В.А.Шишкин томонидан ўқилган, қурилган ва унинг яратувчиси уста Али ибн Муҳаммаднинг исмини ва ундан юқорироқ қисмида охирига етказилмаган қуфий хатида битилган муқаддас Қуръони Каримнинг "Тавба" сураси, 18 оятини кўриш мумкин. Сурхондарё

халқ оғзаки ижодида ҳам "Жарқўрғон минораси" етти қават деб айтади. Ҳозирги баландлиги 21,6 бўлса, диаметри 5,4 метрни ташкил қилади. Тарихчи олимлар томонидан қурилиш вақтида қирқ уч метр бўлганлиги аммо саккиз юз йиллар ҳукумат эътиборидан четда қолганлиги, бу вақтда маҳаллий аҳоли томонидан бузиб кетилган, деган қарашлар тахмин қилинса, яна бошқа манбаларда қурилганидан икки кун ўтиб, яъни 1112 йилдаги қаттиқ зилзиладан миноранинг силжиган ўқи туфайли қурилиш охирига етказилмай қолган, дейилади. Худди шу усулда қурилган миноралар дунё бўйича бор-йўғи уч дона бўлиб, биттаси ушбу минора бўлса, бири қўшни Афғонистон Республикасида ва яна бири Ҳиндистонда қад ростирилган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, "Жарқўрғон минораси" ер юзидаги қулаб бораётган уч миноранинг ичиде энг қадимийсидир. Кейингиси XIII аср ўрталарида бунёд этилган италиядаги "Пизза" минораси бўлса, яна бири Россиянинг Невянский (область) вилоятидаги XVIII аср бошларида қурилган "Невянск" минорасидир.

– Собик Совет ҳукумати келган вақтларда бу яқин атрофда ғишт ишлаб чиқарадиган заводлар мавжуд бўлганлиги ва шу сабаб бу минора қизил аскарларнинг кўзига бир уйғун ғишт бўлиб қўрилган ва ҳарбий казармалар қуриш мақсадида бузиб бошланган, – дейди тарихшинос олим Шопўлат Ҳайдаров. – Отам тўлаган бобо Ҳайдаров минорани сақлаб қолиш



учун райкомга мурожаат қилади. Райком очикчасига: "Менинг военниларга ҳеч қандай ҳақ-хуққим йўқ, гапим ўтмайди", дея областга чиқиб кўришни тавсия қилади. Отам областга чиқиб, югур-югур билан масалани ҳал қилгунга қадар минора ғиштлари ўн олти қўқон аравада бузиб кетилган. Сурхондарё округи обком партияси бошлиғи томонидан 1936 йили бузишни тўхтатиш бўйича буйруқ чиқарилади ва шундан кейингина тарихий обида сифатида давлат тасарруфига олинади. Шу инсонларнинг жонқуяриги туфайли минора ҳозирги авлодгача асл холида сақланиб қолгани кишини қувонтиради. Ҳозирги кунда ЮНЕСКО бутунжаҳон маданий мерос объектини ҳимоя қилиш ташкилоти рўйхатида тўрт мингдан ошиб ёдгорликлар мавжуд бўлиб, шулардан биттаси "Жарқўрғон минораси"дир.

Чингизхоннинг Марказий Осиёга бостириб келишидан юз йиллар олдин ҳам бу ҳудудда маданиятнинг, меъморчилик санъатининг ривожланиб, қай даражада тараққий этганлигини ушбу минора орқали ҳам аққол кўришимиз мумкин. Ҳозирда "Жарқўрғон минораси" қайта таъмирланиб, давлат томонидан тарихий обида сифатида муҳофизат остига олинган.

Жамолiddин НОРМАТОВ

Реклама

MAXAM-CHIRCHIQ

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida.

N-34,4%

**MgO
Magniy**

**Ca
Kaltsiy**

Mahsulot sertifikatlangan
№ UZ.SMT.01.080.64398163
GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 6-25-20, 6-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

БИБЛИОГРАФИЯ – КУТУБХОНА ЮРАГИ

Каттақўрғон тумани
ахборот-кутубхона маркази
ахборот-библиография
хизмати бўлими доимо
китобсеварлар билан
гавжум.

Кутубхона нафақат китобларни авлоддан авлодларга етказиб берувчи, балки маърифатни тарғиб этувчи, инсонни чин маънода коммуналка, эзгуликка етакловчи маънавият маскани эканлиги билан ҳам қадридлир. Шу боис ҳам кутубхонада аъзолар сони кун сайин ортиб бормоқда. Ахборот-библиография хизмати ходимлари нафақат ўқувчилар, ёшлар, балки ёши улуглар, нуруонийлар ва нуғронийлар бўлган шахсларга ҳамда Каттақўрғон туманида яшаб, ижод этаётганларга ҳам хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда меҳнатни тақсимлаш бошқарувининг самарали элементи бўлиб, унинг ёрдамида меҳнатни режалаштириш, ташкил этиш бизнинг кутубхонада ҳам амалга оширилмоқда. Ахборот хизмати тўғри йўлга қўйилган. Муҳим саналарга бағишлаб, китоб кўрғазмалари, оммавий тадбирлар ва кутубхонага экскурсиялар ташкил этилмоқда. Библиографик сўровлар қабул қилиниб, сўралган мавзу ва манбалар аниқлаштирилиб, ўз вақтида топиб берилмоқда. Бундан ташқари, китобхонларни библиография ахборот билан таъминлаш жараёнида сўровнома услубидан фойдаланмоқдамиз. Китобхонлар томонидан қабул қилинган мурожаатларни саралаш, қабул қилинган маълумотлар асосида картотекалар тузилган.

Ёш авлодни маънавий-маърифий тарбиялаш ишига бел боғлаган каттақўрғонлик олим ва шoirларнинг ижод намуналаридан ҳамда ҳаётни ва ижодидан шахс библиографияси учун маълумотлар тўпланмоқда. Бу маълумотларни тўплашда бизга қўллаб-қувватловлар, устозларимиз яқиндан ёрдам бермоқда.

Ш. ЧЎЛИЕВА,
Каттақўрғон тумани
ахборот-библиография
хизмати раҳбари.



Соғлом ҳаёт

ҚОВОҚ КАМҚОНЛИККА ДАВО

Камқонлиқни табиий
даволанишнинг жуда кўп усуллари
бор. Гўшт маҳсулотлари,
қурилган мевалардан
фойдаланишни ҳамма билади.

Айни мавсумда пишиб етилган ошқовоқни камқонликда, темир моддаси тақчил пайтда ейиш фойдали эканини эса кўпчилик билмайди. Ошқовоқнинг таркибида қонни яхшилайдиган темир, мис, кобальт, рух каби муҳим моддалар бор. Ундан дармондори тайёрлаш учун тўқ сариқ рангли, таъми ширин қовоқ сувда қайнатилди. Пишгач, совутиб, майда тўртбурчак қилиб тўғралади. Кейин шакар сешиб, бироз қаймоқ қўйилади ва таомдан аввал истеъмол қилинади.

Фақат бу пайтда чой, қаҳва, какаоларни камроқ ичиш керак. Чунки уларнинг таркибидеги танин танада темирнинг сўрилишини пасайтиради.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидеги
ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**
Таҳрир хайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Ақтам ХАЙТОВ, Махмуд ТООИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-717. 1150 нускада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақидиланди.
Таҳририят манзили: Ташкент вилояти Қибрай тумани, Унiversитет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳохоси келишилган нархда.
Газета "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компаниясини босмаҳонасида босилди.
Босмаҳона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топшириш вақти: 17.00